

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 203 (1264), 2024 йил 8 октябрь, сешанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ
РОССИЯГА ТАШРИФ
БУЮРДИ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
7 октябрь куни амалий ташриф
билан Москва шахрига келди.

“Внуково” аэропорти-
да давлатимиз раҳбарини
Россия Федерацияси Пре-
зидентининг ёрдамчиси
Максим Орешкин ва бош-
қа расмий шахслар кутиб
олди.

8 октябрь куни МДХ
саммитининг асосий

тадбирлари бўлиб ўтади.
Кун тартибидан Ҳамдўст-
лик доирасидаги кўп то-
монлама ҳамкорликни
янада ривожлантириш-
нинг долзарб масалалари
ўрин олган.

ЎЗА

Биз ва дунё

Ўзбекистон — МДХ:
УМУМИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА
ХАВФСИЗЛИК МАКОНИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь куни амалий ташриф билан Москва шахрига борди. Мамлакатимиз етакчиси МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг 7-8 октябрь кунлари бўлиб ўтадиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.

МДХ давлатлари ва институтлари билан алоқаларни ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан.

Ўзбекистон МДХ ташкил топганидан буюн аъзо давлатлар билан барча йўналишда самарали ҳамкорликни мустаҳкамлаб, транспорт-коммуникация тармоқлари, иқтисодий алоқаларни ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама

ривожлантиришда фаол иштирок этиб келмоқда.

Ҳамдўстлик доирасида Ўзбекистон ташкилотнинг 65 та тармоқ тузилмаси фаолиятида фаол қатнашапти. Уларнинг мақсади миллий манфаатларга тўлиқ жавоб беради. Ўзбекистоннинг МДХ ҳузуридаги доимий ваколатхонаси институти фаолият юритмоқда.

Давоми 2-бетда

МЕНИНГ ТАНЛОВИМ — ОБОД ВАТАНИМ!

27 ОКТАБРЬ — ОЛИЙ МАЖЛИС
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ
ВА МАҲАЛЛИЙ
КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
САЙЛОВИ КУНИ



Мазкур мақола Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида
ЭЪЛОН ҚИЛИНМОҚДА.

3-бетга қаранг.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:
ЯНГИ ПАРЛАМЕНТ
САЙЛОВЛАРИ САРИ

Бундан бир ярим йил илгари мамлакатимиз тарихида илк бор умумхалқ референдумида янги тахрирдаги Конституция қабул қилингани янги Ўзбекистон ҳаёти барча соҳаларининг конституциявий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Хусусан, замонавий конституциявий норма ва умумэтироф этилган халқаро сайлов стандартлари асосида миллий сайлов қонунчилиги тубдан такомиллаштирилди.

Бу муҳим омил сайлов жараёнларининг янада очиқ ва ошкора ўтиши ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари демократия индексидаги кўрсаткичлари яхшиланишига эришиш имконини оширади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, “Демократик ислохотлар йўли — биз учун яккаю ягона ва энг тўғри йўлдир”.

ЯНГИ ПАРЛАМЕНТ
САЙЛОВИНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ

Янги тахрирдаги Конституция нормалари, халқаро мажбуриятлар ва ўтган сайлов якунлари бўйича тавсиялар асосида сайлов қонунчилигига бир қатор муҳим ўзгартриш ва қўшимчалар киритилгани бежиз эмас. Чунки янгиланган сайлов қонунчилиги сайлов комиссиялари ва аҳолининг сайлов маданиятини юксалтириш, сиёсий партияларнинг ўз электорати билан ишлаш тизимини янада мукаммаллаштириш, партияларнинг сиёсий фаоллигини оширишда катта аҳамият касб этади.



Бўлажак парламент сайловининг бир қатор ўзига хос хусусиятларини санаб ўтиш мумкин.

Биринчи хусусияти: Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов

Ўзбекистон тарихида илк бор аралаш асосда, яъни мажоритар-пропорционал сайлов тизими бўйича ўтказилади.

Давоми 4-бетда

Тараддуд

ОЛИМПИА ШАҲАРЧАСИ
ЎЗБЕК СПОРТИНИНГ ОЛАМШУМУЛ
ЮТУҚЛАРИ РАМЗИГА АЙЛАНАДИ

Пойтахтимизда “Тошкент — 2025” ёшлар Осиё ва парасиё ўйинларига қай даражада тайёргарлик кўриляётгани бўйича мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбир доирасида Осиё паралимпия кўмитаси президенти Маждид Рашид бошчилигидаги расмий делегация вакиллари иштирокида мусобақалар олдидан кўриляётган умумий тайёргарлик, ташкилий ишлар бўйича йиғилиш, тақдиротлар, матбуот анжумани ўтказилди.



Матбуот анжуманида юртимизда спорт ва жисмоний тарбия соҳасини, паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга қаратиляётган эътибор, имконияти чекланган шахсларни қўллаб-қувватлаш, уларга инклюзив шароит яратиш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

— Комиссиямизда “спортлар учбурчаги” деган қизиқ мезон бор. Ўзбекистонда йўлга қўйилган ташкилий ишлар, 2025 йилда ўтказилиши режалаштирилган мусобақалар, 10 та спорт тури бўйича беллашиши кутиляётган спортчиларни вақтинча турар жой билан таъминлаш масалалари, қад ростлаётган спорт иншоотларининг мустаҳкам ва халқаро талабга жавоб берувчи сифати, овқатланиш, транспорт каби умумий шарт-шароитлар юқорида айтиб ўтилган мезонга тўла мос келади, — дейди Осиё паралимпия кўмитаси президенти Маждид Рашид. — Тошкент шаҳрида барпо этиляётган Олимпия шаҳарчасида бўлиб, қурилиш ишларининг бориши ва бутунги ҳолатини ўрганиш жараёнида ўзбек халқининг оддий иш-ишчида ҳам спортга қизиқиш ва муҳаббатни кўрдим. Бежиз Ўзбекистон параспортчилари йилдан йилга юқори натижаларга эришмаяпти. Умрини спорт билан боғлашни истаган ҳар бир ўзбек ўғил-қизи учун бирдек тўсиқсиз муҳит яратилган.

Давоми 2-бетда

Акс садо

ЕТТИ МУҲИМ ТАШАББУС

Ўқув-тарбия жараёнидаги
янги ланишларга замин бўлади

Халқимиз ҳамиша устозларни эъзозлаб, ҳурмат-иззатини жойига қўйиб келган. “Устоз отангдан улуг” деган нақл ҳам бежиз айтилмаган. Зеро, кўз нури, қалб кўри, бутун борлигини ёш авлод тарбиясига бахш этадиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати юксак таҳсинга лойиқ.

Дунёдаги энг бебаҳо бойлик ва боқий меросни яратиш, халқимизга, униб-ўсиб келаётган ёш авлодга безавол етказиш йўлида чинакам фидойилик кўрсатиб, меҳнат қилаётган устозларга ҳурмат-эҳтиромда бўлиш, маслаҳат ва ўғитларига амал қилиб яшаш инсонийликнинг юксак намунаси.

Давоми 2-бетда

ҲАМ ЎҚИБ, ҲАМ ИШЛАШ
ИМКОНИЯТИ

Ислохотлар амалда

Бундан уч-тўрт йил олдин маҳалла ҳудудида йирик ип-йигирув корхонаси иш бошлаганди. Кўпчилик қатори Нурбек ҳам шу жойга ишлаш истагида борди. Осон ишлаб кетаман деб ўйлаганди. Ундай эмас экан. Каттагина заводдаги замонавий ускуналарни кўриб, ҳайратда қолди. Муҳими, бу ерда ишлашни истаган киши техникаларни ишлата билиши лозим эди. Илгари бундай жойда ишлаб кўрмагани боис, иккиланиб қолди. Иш ўрганиш учун нима қилиш кераклигига қизиққанди, кимдир шу яқин атрофдаги коллежда ҳам сохага қизиқувчилар ўқитиляётганини айтиб қолди.



Хужжатларини кўтариб, коллежга йўл олди. Фақат уни бир жиҳат ўйлантириб турарди: дарсларда мунтазам қатнашишга имконияти йўқ. Бугеги тирикчилик ташвиши. Қандай бўларкан? Коллеж маъмурияти унинг оилавий аҳолини тўғри тушунган ҳолда дуал таълимда ўқишни маслаҳат берди. Бу қандай таълим шакли эканини унчалик англамас-да, йиғитга маъқул келди.

Коллеж имтиҳонларидан аъло баҳо-ларга ўтиб, ўқишга қабул қилинган Нурбек дуал таълим нималигини кейин тушуниб олди. Бунда ҳам ўқиб, ҳам ишлаш имконияти мавжуд эди. Яна бир жиҳати: бу ерда таълим олишни бошлагач, корхонага ҳам ишга қабул қилинди. Энди ўқиш ва ишни бирга олиб борадиган бўлди.

Давоми 5-бетда

Муносабат

ОДДИЙ МУАЛЛИМНИНГ
ДАРДИ ЮКСАКДИРёхуд Анбар отин орзусидаги
хотин-қизларнинг ёрқин истиқболи

Оддий ўқитувчининг кун тартиби, заҳматлари ва орзуларини яхши биламан. Чунки ўзим ҳам оддийгина ўзбек муаллимсининг фарзандиман. Онам — Ўзбекистон Халқ ўқитувчиси Мақсудахон Шодмонованиннг ўқитувчи эканидан фахрланиб, атрофдагиларнинг эҳтиромию эътирофидан ғурурланиб вояга етганман.

Бироқ фидойи инсонларнинг шарафли ва заҳматли меҳнатини қадрламайдиган инсонлар ҳам бор. Бир куни мактабдан келсам, ҳовлимиз тўла одам. Мактаб формасидаги йиғитлару қизлар оstonaмизда кўзда ёш билан ўтирибди. Хаёлимга нималар келмади дейсиз...

Давоми 5-бетда

Биз ва дунё

ЎЗБЕКИСТОН — МДХ: УМУМИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАВФСИЗЛИК МАКОНИ

Бошланиши 1-бетда

2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон Ҳамдўстлик доирасидаги фаолиятини сезиларли даражада фаоллаштирди. Хусусан, сўнгги етти йилда аввал имзоланган 24 та кўп томонлама ҳужжат, МДХ олий органларининг 22 та қарори ва 20 дан орტიқ соҳавий ҳамкорлик органларига қўшилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017-2023 йилларда Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисларида иштирок этиши натижасида МДХ доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган 90 та турли тақлиф илгари сурилди ҳамда уларнинг ўз вақтида ва тўлиқ миқёсда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида “йўл хариталари” қабул қилинди.

Эътиборлиси, Ҳамдўстликка аъзо давлатлар кўмаги билан бугунга қадар 80 дан орტიқ ташаббус амалга оширилди.

МДХ давлатлари билан олий ва юқори даражадаги таширфлар алмашинуви фаоллашди. Бу мамлакатлар Ҳамдўстлигининг улкан салоҳиятини очиш, кўп томонлама мулоқот ва ҳамкорликни, Евроосиё маконида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга интилишдан далолат беради.

Глобал қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистон МДХ доирасида барча соҳада ҳамкорликнинг ижобий динамикасини таъминлаб келмоқда. Иқтисодиётларнинг таркибий мувофиқлиги ишлаб чиқариш кооперативи ва савдо-иқтисодий алоқаларни, машинасозлик, энергетика, кимё, фармацевтика, тўқимачилик ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни муваффақиятли ривожлантиришга хизмат қилаётди. Биргина сўнгги ойларда МДХ мамлакатларидан бўлган шериклар билан 800 дан орტიқ янги корхона ишга туширилди.

Ўзбекистоннинг МДХ давлатлари билан ташқи савдо айланмаси 2023 йилда 20,6 миллиард долларга етди. Шундан экспорт 8,1 миллиард АҚШ долларини, импорт эса 12,4 миллиард долларни ташкил этди. Жорий йилнинг етти ойида Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар билан ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ўтган йилнинг шу

даврига нисбатан 15 фоиздан ортиқ ўсиб, 15 миллиард доллардан ошди.

МДХ давлатлари ва халқларини умумий маданий-тарихий мерос ва кўплаб гуманитар ришталар боғлаб турибди. Бу омиллар бугун Ҳамдўстлигининг мустақкам ва ишончли таянчи бўлиб қолмоқда. Маданий алоқалар жадал ривожланаяпти. Фестиваллар, концертлар, турли ярмаркалар, спорт мусобақалари ва бошқа тадбирлар мунтазам ўтказиб келиняпти.

Ўзбекистоннинг мазкур бирлашма аъзоси сифатидаги фаол позицияси ҳар томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатидан бойитиш ва мустақкамлашга хизмат қилмоқда, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар эса формат доирасида кенг қўллаб-қувватланмоқда ва амалга оширилмоқда.



Ўзбекистоннинг МДХ давлатлари билан ташқи савдо айланмаси 2023 йилда 20,6 миллиард долларга етди. Шундан экспорт 8,1 миллиард АҚШ долларини, импорт эса 12,4 миллиард долларни ташкил этди. Жорий йилнинг етти ойида Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар билан ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15 фоиздан ортиқ ўсиб, 15 миллиард доллардан ошди.

Хусусан, Ўзбекистоннинг ёшларга оид давлат сиёсати самардорлиги ва бу борадаги халқаро ташаббуслар натижалари эътироф этилиб, 2024 йилда Тошкент шаҳри Ҳамдўстлигининг Ёшлар пойтахти деб эълон қилинди.

МДХ Давлатлари раҳбарларининг 2023 йил 13 октябрь куни Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташкилотнинг олий мукофоти — МДХ Фахрий нишонин билан тақдирлангани давлатимизнинг Ҳамдўстлик доирасидаги кўп томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасининг яна бир юксак эътирофи бўлди.

Жорий йилда Ўзбекистоннинг асосий ташаббусларини амалга ошириш доирасида МДХ Иқтисодий кенгашининг 101-йиғилишида 2011 йилдаги Эркин савдо битимига аъзо давлатлар ўртасида Эркин савдо тўғрисидаги битимга кириш бўйича музокараларни бошлаш имконияти тўғрисида баённома қарори, Давлат харидлари бозори ҳамда МДХга аъзо давлатлар ҳудудидан ўтувчи халқаро транспорт йўлақларини ривожлантириш ва инфратузилмани оптималлаштириш бўйича 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Ҳаракатлар режаси қабул қилинди.

26 сентябрь куни Тошкентда МДХга аъзо давлатлар таҳлил марказларининг “Узоқ муддатли ҳамкорликнинг янги кун тартиби” мавзусидаги халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда таъкидланганидек, МДХ давлатлари Ўзбекистон

учун муҳим ҳамкорлар, қўшнилари ва дўстлардир, улар билан мамлакатни тараққиёт ва хавфсизликнинг умумий макони бирлаштиради. Ўзбекистон томони эса Ҳамдўстлик самарали ривожланиши учун умумий масъулиятни тўлиқ англайди. Бу эса бутун Евроосиёнинг келажагига тааллуқли.

МДХнинг Москвада бўлиб ўтадиган навбатдаги саммити ва унинг яқунлари мамлакатларимиз ҳамда халқларимиз фаровонлиги йўлида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги маконида кўп томонлама муносабатлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

“Дунё” АА

Тарадду

ОЛИМПИА ШАҲАРЧАСИ ЎЗБЕК СПОРТИНИНГ ОЛАМШУМУЛ ЮТУҚЛАРИ РАМЗИГА АЙЛНАДИ



Бошланиши 1-бетда

Шу билан бирга, Осиё паралимпия қўмитаси президенти Олимпия шаҳарчаси халқимизнинг юксак бунёдкорлик салоҳияти ва ўзбек спортининг оламшумул ютуқлари рамзига айланишига ишонини, бу маскан келажақда меъморий жиҳатдан мукамал, энергетикажамкор ва энг илгор инновацион ечимларни ўзида мумжасам қилган мухташам мажмуа бўлишига ишончи комил эканини қўшиб ўтди.

— Президентимиз келгусида юртимизда параспорт турлари билан бирга

ногиронлиги бўлган шахслар шугулланиши мумкин бўлган спорт турларини ҳам кенг ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилиши, асосий эътибор ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятга иқтисодий мослашувини таъминлашга қаратилиши зарурлигини таъкидлаган эди, — дейди Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси бош котиби Ойбек Қосимов. — Бу йилги мусобақада паратлетларимиз югуриш, ядро ва найза улоқтириш, узунлик ва баландликка сакраш бўйича мусобақаларда жуда фаол иштирок этди. Давлатимиз раҳбарининг бундай спорт турларидаги иштирокни янада кенгайтириш лозимлиги

хусусидаги топшириқлари яқин кунларда ўз натижасини беришига шубҳам йўқ. Анжуманда иштирок этган журналистлар мусобақага қўрилаётган тайёргарлик, ўйинлар дастурига кириштиладиган спорт турлари ва улар ўтказиладиган объектлар ҳақида маълумотга эга бўлди. Шунингдек, делегацияларнинг тахминий сони, транспорт-логистика масаласи, антидопинг, виза, авиақатновлар каби ташкилий масалалар хусусидаги саволларга жавоб берилди.

Азизбек ЮСУПОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Таълим-тарбия соҳасига берилаётган улкан эътибор туфайли ёшларимиз билим, фан ва техника, маданият ва санъат, спорт соҳаларида юксак марраларни қўлга киритаётгани эътиборга молик. Буни ўқувчиларимиз халқаро фан олимпиадаларида сўнгги етти йилда 349 та, 2024 йилнинг ўзида эса 122 та медалга сазовор бўлгани мисолида ҳам кўриш мумкин.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

Акс садо

ЕТТИ МУҲИМ ТАШАББУС ўқув-тарбия жараёнидаги янгиланишларга замин бўлади



Абдумалик АКРАМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, педагогика фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Кўп йиллар ўқитувчига эътибор борасида сўзимиз бошқа, амалимиз бошқа бўлиб келди. Оқибатда соҳа ходимлари ҳимоясиз қатламга айланиб қолди. Мактаб ўқитувчиларини асосий вазифаси бир четда қолиб, ўзига мутлақо алоқаси бўлмаган ишларга жалб этиш чуқур илдиэ отди. Аниқроғи, муаллимларнинг “хўжайини” кўпайиб кетди. Бу эса нафақат таълим сифатига, балки соҳа ходимларининг касбияга бўлган муносабатига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Энди у кунлар ортда қолди. Юртимизда илм-фан ва таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўқитувчилик касбининг нуфузи ва обрўсини юксалтириш йўлида мисли кўрилмаган қадамлар ташланди. Бу борада ўнлаб муҳим ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Мактаб ўқитувчиларининг ойлиги ҳам муттасил ошириб борилмоқда. Ўқитувчи тайёрлаши шарт бўлган ҳужжатлар сони кескин камайтирилди.



Соҳанинг ҳуқуқий асослари ҳам такомиллаштириб бораётди. Хусусан, “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши соҳа тараққиётида янги уфқларни очиб берди. Зеро, қонунга мувофиқ, ўқитувчиларга муаллимлик дастури ва ўқитиш услубларини жорий этиш, замонавий педагогик шакллар, ўқитиш ва тарбия усулларини эркин танлаш ҳуқуқи берилди.

“Педагог ҳодимларнинг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун эса мамлакатимизда ўқитувчиларга қаратайлаётган эътиборнинг яна бир исботи бўлди. Мазкур қонун билан педагог ходимни меҳнатга бирор шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик кучайтирилди. Янги таҳрирдаги Конституциямизда давлат ўқитувчиларининг шаъни ва қадр-қиммати, ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиши белгилаб қўйилди.

Булар ҳали ҳаммаси эмас. Таълим сифатини юксалтириш мақсадида педагогларнинг малакасини ошириш бўйича

ягона ва вертикал тизим ҳам яратилди. Жорий йилда ҳозирга қадар 142 ўқитувчи илгор хорижий давлатларда малака ошириб қайтди. Мактаб директори лавозимига тайинлаш тизими такомиллаштирилиб, уларга менежерлик сертификатини бериш тартиби ўрнатилди.

Таълим-тарбия соҳасига берилаётган улкан эътибор туфайли ёшларимиз билим, фан ва техника, маданият ва санъат, спорт соҳаларида юксак марраларни қўлга киритаётгани эътиборга молик. Буни ўқувчиларимиз халқаро фан олимпиадаларида сўнгги етти йилда 349 та, 2024 йилнинг ўзида эса 122 та медалга сазовор бўлгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ушбу жараёнда халқаро фан олимпиадаларида гоилиблини қўлга киритган ўқувчиларнинг устозларини рағбатлантириш тизими йўлга қўйилиб, шу мақ-



садда давлат бюджетидан 6 миллиард сўм маблағ йўналтирилгани муҳим рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилаётди.

Президентимизнинг Абдулла Авлоний номидаги Миллий педагогик маҳорат институтида таълим соҳаси вакиллари билан мулоқоти ўз тақдирини ёш авлодни тарбиялашдек шарафли фаолиятга бағишлаган ўқитувчилар ҳаётида ўчмас из қолдирди.

қилиниши, яна кўплаб янги мактаблар барпо этилиши баробарида хусусий мактаблар фаолияти таълим тизимида рақобат муҳити шаклланишига кенг йўл очиб бермоқда.

Яқин йилларгача олий таълим тизими, таъбир жоиз бўлса, энг “дефицит” таълим тури бўлиб қолган эди. Ҳозир юртимизда 211 та олий таълим ташкилоти фаолият юритмоқда. 2016 йилга қадар битирувчиларнинг 9-10 фоизигина ОТМда ўқиш имконига эга бўлган бўлса, бугун бу кўрсаткични 38 фоиздан ошириш чоралари кўрилиб, олий маълумот олишда таълимнинг кечки, сиртки ва масофавий шакллари йўлга қўйилди.

Айниқса, олий таълим муассасалари фаолиятида шаффофлик, адолат таъминланиши, 135 та олий таълим ташкилоти ташкил этилиши ёшларнинг кўзида келажақка катта умид уққунлари порлашига сабаб бўлмоқда, десак янглишмаймиз.

Шу билан бирга, таълим ташкилотлари сонининг карраларга ошиб бориши малакали педагогларга эҳтиёжни ҳам юзага келтириб, таълимни сифатли ташкил этиш вазифасини қўймоқда. Шу мақсадда ўз фаолиятида улкан ютуқларни қўлга киритаётган муаллимларни рағбатлантириш тизими такомиллаштирилди. Ўқитувчининг маҳорати ва фаолиятида эришаётган натижаларига қараб тўланадиган устамалар сони 3 тадан 17 тага оширилди.

Мулоқот жараёнида давлатимиз раҳбари ўз фаолиятида яхши натижа кўрсатаётган педагогларни рағбатлантириш бўйича галдаги режалари билан ўртоқлашиб, таълим сифатини янги босқичга олиб чиқишга доир 7 та муҳим йўналиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди. Педагогларнинг касб маҳоратини ошириш, меҳнатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришни давом эттириш, янги мактаб ва ботчалар барпо этиш, таълим тизимида сифат ва рақобатни таъминлаш мақсадида рақамлаштириш даражасини ошириш, Президент ва иختисослаштирилган мактаблар тажрибасини оммалаштириш, иқтидорли ёшларни селекция қилиш ҳамда тарбия ва одоб-ахлоқ билан боғлиқ долзарб масалалар шулар жумласидан.

Янги Ўзбекистонда ўқитувчилар макомини кўтариш, қадр-қимматини оширишга қаратилган ишлар бутунлай янги босқичга чиқди. Натижада устозларда ўз устиди ишлашга иштиёқ ортди, билимини оширишга интилиш кучайди. Соҳа ривожига ана шундай эътибор мактабларда ўқув-тарбия жараёнларини сифат жиҳатидан ўзгартаришга, ўқитувчилар таркибини яхшилашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.



Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси Спикерининг
биринчи ўринбосари,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази директори

Бошланиши 1-бетда

Бунда 75 нафар депутат кўпчилик овоз билан бевосита сайланади ва сайловчилар айлани жараёнда аниқ номзодлар учун овоз беради. Депутатларнинг яна 75 нафари эса пропорционал тизим бўйича, демакки, сиёсий партиялар учун овоз бериш орқали сайланади. Шу тариқа мавжуд бешта сиёсий партия парламентга сайланиши учун камида 7 фойз овоз олиши керак бўлади.

Иккинчи хусусияти: барча даражадаги сайлов комиссияларининг фаолияти, уларнинг сайлов жараёнлари иштирокчилари билан ўзаро ҳамкорлиги тўлиқ рақамлаштирилди. Сайлов кампанияси давомида “Электрон сайлов” ахборот тизими орқали сайлов комиссиялари билан сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги қарийб 60 турдаги ўзаро ҳамкорлик алоқаси тўлиқ электрон шаклда амалга оширилади. Ахборот тизими интерактив хариталар орқали сайловчилар ва сайлов участкалари тўғрисидаги статистик маълумотлар, барча турдаги сайловларда депутатликка номзодлар тўғрисидаги маълумотларни олиш, депутатликка номзодлар ва уларнинг биогра-

филарини учун сайловчилар нисбий кўпчилигининг овозини олиш кифоя қилади. Шунга қўра, номзод тегишли сайлов округи бўйича бошқа номзодларга қараганда кўп овоз олган тақдирда сайланган ҳисобланади ва натижада такрорий овоз беришга ҳожат қолмайди. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, шу жумладан, “оилавий” овоз берганлик ҳолатлари учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик кучайтирилди.

Тўртинчи хусусияти: бу галги сайлов парламентаризм ва маҳаллий вакиллик органларининг ваколатлари янги тахрирдаги Конституция нормалари билан сезиларли даражада мустаҳкамланган шароитда ўтказилмоқда. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари амалдаги 5 тадан 12 тага, Олий Мажлис Сенатининг мутлақ ваколатлари 12 тадан 18 тага оширилди. Парламентнинг ижро этувчи, одил судловни амалга оширувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва махсус хизматлар фаолияти устидан назорат қилиш ваколатлари кенгайтирилди. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва ҳокимларнинг раҳбарлик қилиши институти тугатилмоқда. Жамият ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишда вакиллик органлари ролини ошириш мақсадида илгари ҳокимлар тасарруфида бўлган 33 та ваколат маҳаллий кенгашларга ўтказилди.

Бешинчи хусусияти: сайловда иштирок этадиган аёл номзодлар сони изчил кўпаймоқда. Сайлов кодексига киритилган ўзгартиришларга қўра, энди хотин-қизлар сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодлар сонининг камида 40 фойзини ташкил қилиши шарт. Аввал бу талаб бўйича кўрсаткич 30 фойз эди.

Жорий йил октябрь ойида бўлиб ўтadиган сайловда Қонунчилик палатасининг 150 депутати, Сенатнинг 56 аъзоси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 65 депутати, шунингдек, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳри ва 208 та туман (шаҳар) кенгашлари депутатлари сайланади. Сайлов

Шунингдек, сайлов комиссияларининг 120 мингдан ортиқ аъзоси ташкилотчи сифатида ҳамда маҳаллий, хорижий ва халқаро даражалардаги 70 мингдан ортиқ вакил кузатувчи мақомида қатнашади.

Бу ҳақда сўз бораганда, сайловни кузатишда мингдан ортиқ халқаро ва хорижий кузатувчи иштирок этишини таъкидлаш лозим. Хусусан, 50 та давлатдан 400 га яқин, МДҲ, Европада ҳафсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти каби 21 та халқаро ташкилотдан қарийб 500 нафар ҳамда 26 та хорижий давлатнинг сайлов комиссияларидан 60 нафар атрофидаги кузатувчи айлани жараёнда ҳозир бўлиши кутилмоқда.

ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган сайловни мониторинг қилишда асосий гуруҳдан иборат тўлиқ миқёсдаги, узоқ муддатли ва қисқа муддатли миссияси билан иштирок этиш ниятини билдирган. Яъни ушбу нуфузли халқаро ташкилотдан салкам 350



оширилмоқда. Бу йўлдаги барча интилишларимиз БМТнинг ҳар бир инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган “Ҳеч кимни унутмаслик ва ортда қолдирмаслик” асосий тамойилига мувофиқ экани билан диққатга лойиқ. Энг асосийси, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, бугунги кунда

“Жорий йилда бутун дунё бўйлаб, таъбир жоиз бўлса, йирик сайлов марафони бўлиб ўтмоқда. Йил давомида дунё аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил қилувчи 70 га яқин давлатда Президент ва парламент сайловлари ўтказилади. Европарламентга сайлов ва Франциянинг муддатидан олдин парламент сайлови шулар жумласидандир.”

нафар кузатувчи сайловни кузатиб боради. Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги элчихоналари ва бошқа дипломатик ваколатларини ҳузурда — 39 та давлатда 56 та сайлов участкаси ташкил этилган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Конституциявий ўзгаришларнинг асосий қисми ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларига тўғридан тўғри дахлдордир. Муҳими, ушбу янгиланишлар Конституция нормаларини амалга ошириш кафолатларини сезиларли даражада мустаҳкамлади.

Янги тахрирдаги Конституция асосида кўплаб қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда, янги қонунлар қабул қилинмоқда. Айни ўзгартиришлар давлат ҳокимиятини ташкил этиш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи тармоғи ва бошқа давлат органларини, хусусан, Марказий сайлов комиссиясини шакллантириш тамойилларига ҳам ижобий таъсир кўрсатганлиги жуда муҳимдир.

Ўзбекистонда 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича қамровдор саёй-ҳаракатлар амалга

мамлакатимизда амалга оширилган демократик ислохотлар ортага қайтмас тус олди. Тенг имкониятлар, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, халқ фаровонлигини ошириш ва аҳоли учун муносиб турмуш шароитини таъминлаш янги Ўзбекистонни ислоҳ қилиш стратегиясининг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Шу маънода, ҳозир изчиллик билан амалга оширилаётган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг асосий мазмун-моҳияти:

- инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
 - ҳар бир шахснинг салоҳиятини рўйбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш;
 - камбағаллиқни камайтириш ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш;
 - фуқаролик жамияти ролини кучайтириш;
 - коррупцияга қарши курашиш ва барқарор экологик тараққиётга эришиш каби улкан мақсадлар ўз мужассамини топган.
- Жамиятимиз ва давлатимизнинг асосий мақсади — 2030 йилга бориб, даромад даражаси ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига кириш. Бунда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси амалга оширилаётгани алоҳида аҳамият касб этади.

айланди. Шу вақт ичида БМТнинг Дин ва эътиқод эркинлиги масалалари бўйича махсус маърузачиси **А.Шаҳид**, Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича махсус маърузачиси **Д.Гарсия-Саян** ҳамда Терроризмга қарши курашда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш масалалари бўйича махсус маърузачиси **Ф.Ни Аолайн** юртимизга расмий таширфлар билан келди.

Жорий йил август ойида БМТнинг Муносиб турар жой масалалари бўйича махсус маърузачиси **Б.Раджагопал** таширф буюрди. БМТ махсус маърузачиси билан тегишли давлат ташкилотлари ва турли муассасаларда бўлиб ўтган учрашувларда мамлакатимизда аҳолини муносиб уй-жой билан таъминлаш, инфратузилмани яхшилаш соҳасида амалга оширилган ишлар атрофлича муҳокама қилинди.

ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЯТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Сайлов — демократиянинг энг муҳим мезонларидан бири. Бу халқий жараён орқали фуқаролар ўз сиёсий хоҳиш-иродасини намоён этади ва давлат органларининг шаклланишига таъсир кўрсатади.

Жорий йилда бутун дунё бўйлаб, таъбир жоиз бўлса, йирик сайлов марафони бўлиб ўтмоқда. Йил давомида дунё аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил қилувчи 70 га яқин давлатда Президент ва парламент сайловлари ўтказилади. Европарламентга сайлов ва Франциянинг муддатидан олдин парламент сайлови шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда 2023 йили Президент сайлови бўлиб ўтди. Сайлов жамиятимизнинг сиёсий етуқлигини, янги Ўзбекистонни қуриш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар қўллаб-қувватланаётганини яна бир бор баралла намоён этди. Янги тахрирдаги Конституция асосида қатта ваколатларга эга бўлган бўлажак парламент сайлови бу борада навбатдаги муҳим қадамдир.

Конституциямизга мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси 2024 йил 27 октябрда парламент сайловини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу кунни маҳаллий вакиллик органларига, яъни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, шунингдек, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман (шаҳар) кенгашлари депутатлигига ҳам сайлов ўтказилади.


Шу ўринда бўлажак сайлов янги Конституцияда белгиланган мутлақо янгича ижтимоий-сиёсий шароитда ўтаётгани алоҳида аҳамиятга эгаллигини таъкидлаш лозим. Бинобарин, кейинги йилларда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакатимизни модернизация қилиш мақсадида парламент ва сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, сайлов ва референдумларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди.

Конституция ва сайлов қонунчилигига мувофиқ, мамлакатимизда сайловлар умумий, тенг ва тўғридан тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Янги тахрирдаги Конституцияга қўра, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас. Унда суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун суднинг ҳукмига қўра, озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан қақат қонунга мувофиқ ва суд қарори асосида маҳрум этилиши мумкинлиги белгиланган.

Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди. Бинобарин, Ўзбекистон Президентни қайд этганидек, “Янги Ўзбекистон — демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умумэътироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланидиган, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлатдир”.

Хулоса қилиб айтганда, бўлажак сайлов мамлакатимизда демократик давлатчилик амал қилаётганлигининг ёрқин намунаси бўлади. Ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий жараён фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишда, давлат органларини миллий қонунчилик ва халқаро сайлов стандартларига тўла мос равишда демократик тарзда шакллантиришда ҳамюртларимизнинг янада фаол иштирок этишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.



Бўлажак сайлов мамлакатимизда демократик давлатчилик амал қилаётганлигининг ёрқин намунаси бўлади. Ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий жараён фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишда, давлат органларини миллий қонунчилик ва халқаро сайлов стандартларига тўла мос равишда демократик тарзда шакллантиришда ҳамюртларимизнинг янада фаол иштирок этишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

фик маълумотлари билан танишиш имконини беради. Шу аснода сайлов жараёнларида бюрократияга йўл қўйиш, ортиқча вақт сарфлаш ва кераксиз қоғозбозлик ҳолатлари имкон қадар камайтишига эришилади.

Учинчи хусусияти: сайлов қонунчилиги илгор демократик стандартларга мувофиқ тарзда тўлиқ такомиллаштирилди. Хусусан, доимий аъзолар фаолият юритадиган Марказий сайлов комиссияси бошчилигидаги сайлов органларининг янги тизими жорий этилди. Овозларни санаш тизими мажоритар тартибдан плюралистик тизимга ўзгартирилди. Қонунчиликда белгиланганидек, депутатликка

кодексига мувофиқ, сиёсий партиялар Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга.

Айни пайтда фаол сайлов кампанияси давом этмоқда. Сиёсий партиялар сайлов олди ташвиқоти жараёнида ёлгон маълумотлар тарқалишининг олдини олиш, сайловнинг асосий принципларига риоя этилишини таъминлаш, сайловчиларнинг эркин танловини амалга ошириш имконини берувчи сайловди ташвиқотининг ахлоқ қондаларини имзолади.

Шу тариқа сайловда 30 мингга яқин номзод ва уларнинг қарийб 90 минг ишончли вакили фаол иштирок этади.

Муносабат



Гулнора МАЪРУФОВА,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган ёшлар
мураббийси, сенатор

ОДДИЙ МУАЛЛИМНИНГ ДАРДИ ЮКСАКДИР

ёхуд Анбар отин орзусидаги хотин-қизларнинг ёрқин истиқболи

маслаҳат олар, “Устоз, тўполончи болалар ҳам сизни яхши кўришининг сири нимада?” деб кўп сўрашар эди. Онам эса “Мен уларнинг тўполонларини ҳам яхши кўраман-да”, дер эди кулиб...

Хуллас, ўша воқеадан сўнг болалари мактабга боришни хоҳламагани боис, ота-оналар мактаб директориغا шикоят билан кирди. Вазият жиддий таҳлил қилинган, онам яна ўз синфига раҳбарлик қила бошлади. Шу билан бирга, мактаб директори лавозимига ҳам тайинланди. Эҳ, ўшанда ота-оналарнинг, ўқувчиларнинг қувончини бир кўрсангиз эди...

Онам бутун бир миллат учун куйинадиган, юртимиздаги воқеликларни теран ақл билан таҳлил қила оладиган мулоҳазали аёл эди. Бир куни менга тарихчи Ғиёсиддин Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр” асариди мана бу маълумотларни ўқиб берган: “Гавҳаршод Оға ифбат ва инсофлилик сифати билан мақталган малика эди ва доим олий баракотли ҳимматини хайрия иморатларини қуриш ва хайру эҳсон улашиш сари қаратганди. У қурдирган бинолар жумласидан пойтахт Ҳиротнинг шимол тарафидаги мадраса ва жоме масжиди ҳисобланиб, бу иморатлар деворларига жуда гўзал нақшлар безаклар берилган. Машҳаддаги муқаддас имом Ризо мақбараси мажмуасида ҳам бир муҳташам ва низоҳатда чиройли жума масжиди биносини қурдирган ҳамда бу даргоҳга атаб яхши ер-сув мулки ва гўзал асбоблар вақф қилган”.

Мен бу мисолларни эшитганимда келгусида момоларим каби билимли, зиёли ва миллатпарвар аёл бўлишни орзу қилганман.

Президентимиз маърузаларидан биринчи “Ҳозирги вақтда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 2017 йилдаги 27 фойиздан 35 фойизга етгани айниқса эътиборлидир. Шу билан бирга, юзлаб оқила аёллар ҳаётимизнинг барча соҳаларида жонбозлик билан фаолият кўрсатаётгани барчамизни қувонтиради”, дея таъкидлагани эътирофга моликдир.

Дарҳақиқат, бугун хотин-қизлар билим олиши ва замонавий лойиҳаларни амалга ошириши учун барча имкониятлар яратиб берилмоқда. Айниқса, ўқитувчи ва мураббийлар кун муносабати билан ўтказилган байрам тантанасида давлатимиз раҳбари соҳа вакиллари билан шу қадар самимий мулоқот қилдики, айтилган мулоҳазалар ва янгилликларни эшитиб, қувонганимдан кўзларимга ёш келди. “Сиз, ҳурматли устозлар, мактаб ўқувчиларидан



Шоира асар сўнггида умид билан бундай ёзган: “...Ул замонларда аёллар илм таҳсилига муяссар бўладилар. Эл ва давлат ишларида қатнашиб, эркаклар билан бир қаторда обрў ва ҳурматга сазовор бўладилар”.

“Мен қандай касб эгаси бўлмоқчиман?” деган мавзуда иншолар, ёзма ишлар оласизлар. Лекин ўқувчилар ёзган ана шу ишлар таҳлили билан кимдир шуғуллан-яптими?” деган саволни ўртага ташлаганида беихтиёр ўқитувчилик фаолиятимдаги энг ёрқин дамлар ёдимга келди.

Фаргона вилоятидаги мактаблардан биринчи рус тили ва адабиётидан дарс берганман. Ўқувчиларим иншо ёзганидан онларни

интиқиб қутишар эди. Чунки мен улардан жуда эркин фикр юритишни, юрагидидаги орзуларини очик-ойдин ёзишни сўра эдим. Шу боис, ёзилган иншоларни муҳокама қилганимдан сўнг жуда самимий мулоқот майдонига айланар, бир-биримизни ҳурмат ва эътибор билан тинглар эдик.

Йиғилишда мутахасссдиларга мактаб ўқувчилари ўртасида турли мавзуларда иншолар, ёзма ишлар танловларини ўтказишни мунтазам йўлга қўйиш ва уларнинг таҳлили бўйича янги тизим яратиш топширилди. Президентимиз бу тадбир мустақил фикрлайдиган ёш авлод камолотида

олиб борадиган энг тўғри йўл эканини таъкидлади.

Фаргона водийсидан бўлганим учунми, XIX асрда ўзбек аёлларининг ҳаёти, айниқса, Қўқондаги адабий муҳит, аёллар таълими бўйича кўп маълумотлар билан танишганман. Манбаларда келтирилишича, шоира, тарихчи, мактабхона мактабдори бўлиб фаолият юритган Дилшоди Барно ўз фаолияти ҳақида бундай ёзган: “Менинг суҳбатдошларим ва дугоналарим ақлли қизлар ва истеъодли шоиралар эди. 51 йил давомида мен мактабдорлик қилдим ва йилга ўртача 20 нафардан 30 нафаргача ўқувчим бўлиб, 890 нафар қизнинг саводини чиқардим. Булардан деярли тўртдан бир қисми шеърингга қобилиятли бўлиб, шоира ва ўз даврининг ақлли ҳамда доно одамлари эдилар”.

Ўша даврнинг энг илғор фикрловчи аёлларидан бири Анбар отин “Қаролар фалсафаси” асарининг тўртта фаслидан биттасини оналарга бағишлаган. Шоира оналарнинг башариёт олдидида юксак хизматини қўйидагича таърифлайди: “Ул она шундоқ онадур, моҳири донодурки, Афлотун ва Арастуни, Абу Али ибн Сино ва Улугбекни, Жомий ва Саъдийни, Навоийни, Фирдавсийни, Беҳли ва Хайёмни, Нодира ва Увайсийни... мени ва сени ўз қорнида ўн ой кўтариб, турли офатлардан сақлаб, еган гизосидан расмат бериб, туғиб, оламини кўриш қобилиятига давру моҳир қилибдур”, деб ёзган ва афсус билан “Уларга (яъни оналарга) бўлгон эътибор қумолига бўлгон эътибордан ҳам камроқдур”, деган.

Шоира асар сўнггида умид билан бундай ёзган: “Ул замонларда аёллар илм таҳсилига муяссар бўладилар. Эл ва давлат ишларида қатнашиб, эркаклар билан бир қаторда обрў ва ҳурматга сазовор бўладилар”.

Биз Анбар отинлар, Дилшоди Барнолар, Увайсийлар, Нодирабегимлар орзу қилган, башорат ва умид қилган замонда, давру давронда яшаймиз. Шу боис, замонамиз оналари хотин-қизларга берилаётган имкониятлардан тўғри фойдаланиб, нафақат жамиятдаги ўз ўринларини топишда, балки оиласида билимга ташна, китобхон авлодни камолга етказишга ҳам жиддий эътибор қаратишларини сўраган бўлардим.

Зеро, мутафаккир болаларимиз ва зукко момоларимиздан мерос салоҳиятини юзага чиқариш ва дунёга кўрсатиш, тараққиётга хизмат қилдириш умумҳаракатларимизга боғлиқ.

Ислохотлар амалда

Бошланиши 1-бетда

Ўтган йили биринчи курсда тўлиқ шу тартибда таълим олган Нурбек Дўсёров жорий йилги ўқув йилидан коллежга техникум мақоми берилганини эшитиб янада мамнун бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 16 июлдаги “Енгил саноат соҳасида ўрта бўғин кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда Дизайнер ва технологларни тайёрлаш техникумларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, Қарши тумани енгил саноат коллежи Қарши дизайнер ва технологларни тайёрлаш техникумига айлантирилди.

2024/2025 ўқув йилидан бошлаб техникум сифатида фаолиятини бошлаган таълим масканида меҳнат бозори талаблари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари эҳтиёжидан келиб чиқиб, малакали дизайнер ва технологларни тайёрлаш кўзда тутилган. Бу ерда шу кунга қадар дизайнер ва технологлар тайёрлашда Германия тажрибасидан фойдаланган ҳолда Хитойнинг “LT Textile International” корхонаси, “Cotton Road”, “Temurbek mega tekstil” МЧЖлар билан ҳамкорликда дуал таълим тизимида ип йиғирувчи, техник-технолог, дизайнер-конструктор йўналишларида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилганди.

Техникумга айлантирилгандан кейин ҳам бу борадаги ишлар давом эттириб келинмоқда. Ушбу масканда мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда тўқимачилик саноати тармоқлари учун меҳнат бозорига рақобатбардор ҳамда юқори малакага эга ўрта бўғин кадрлари тайёрланади. Шунингдек, етакчи хорижий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда қўшма



ҲАМ ЎҚИБ, ҲАМ ИШЛАШ ИМКОНИЯТИ

таълим дастурлари асосида тўлов-контракт асосида кадрлар тайёрлашга эътибор қаратилиши назарда тутилган.

— Энди бу ерда жаҳон модасининг сўнгги тенденцияларини тадқиқ қилиш, енгил саноат буюмларини истиқболли моделлаштириш ва турли либослар коллекциясини яратиш, бу борада хорижий лабораторияларни жалб этиш ва консалтинг-маслаҳат бериш, методик семинар ва маҳорат дарслари ташкил этиш режалаштирилган, — дейди Қарши дизайнер ва технологларни тайёрлаш техникуми директори Юлдуз Одилова. — Бугун мамлакатимизда замонавий технологиялар билан таъминланган ишлаб чиқариш корхоналари сони йил сайин ортмоқда.

Айниқса, тўқимачилик соҳасида. Ўз навбатида, ушбу йўналишдаги технологияларни тушунадиган ва ишлата оладиган ходимларга талаб ҳам ошмоқда. Хусусан, Қашқадар вилоятида айнан пахта саноатини ривожлантириш борасида катта ишлар бажарилимоқда. Бу ўз-ўзидан соҳада кадрларга талабни оширади. Мисол учун, янги очилган бирор ип-йиғирув корхонасига кўп сонли ишчи керак. Лекин бундай тизимда меҳнат қилмаган кишига бирдан иш бериб бўлмайди. Аввал уни ўқитиб, кўникма ҳосил қилдириб, кейин корхонага олинади. Бу эса муайян вақт талаб этади. Айнан бизнинг техникумда ёшлар икки кун ўқишда, тўрт кун ишда бўлади. Икки йил ўқиб, малакали кадр бўлиб шаклланади.

Ушбу техникумнинг аввалги битирувчилари бугун вилоятнинг 100 га яқин корхонасида фаолият юритмоқда. 78 нафар ёш ҳозир ҳам дуал таълим асосида ўқиб, ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этмоқда. Айни пайтда мазкур техникумда 400 дан ортиқ йилгит-қиз таълим олмақда.

Бир қараганда ҳам ўқиб, ҳам ишлаш мушкулдек туюлади. Аслида, бундай эмас, дейди дуал таълим асосида ўқитётганлар.

— Мана, иккинчи йилдирки дуал таълим асосида йиғирув бўлимида ҳам ўқиб, ҳам ишлайман, — дейди Нурбек Дўсёров. — Йирик ишлаб чиқариш корхонаси ҳам шу ҳудудда жойлашган. Таълим масканимиз билан доимий ҳамкорлиги бўлгани боис, корхонада ишлаб кетишимда муаммо бўлмади. Техникум ҳам, корхона ҳам маҳалламизда жойлашган. Бу ерда ишлаётганимдан мамнунман. Онламингиз даромад олиб қирялман. Ишлаб чиқариш

мажмуасида тўрт кун ишлайман, икки кун техникумда ўқийман. Ишим ўзимга жуда ёқди. Малакали мутахассслардан кўп нарсас ўрганимиз. Шу боис, ускуналарни ишлатишда қийналимайман.

Қарши туманидаги йирик корхонада ҳам ўқиб, ҳам ишлаб келаётган ўқувчилардан яна бири — Хуриш Қулмуродов учун таълимдаги бу йўналиш катта имкониятларни тақдим этди. Ўқув масканида олган назарий билимларини корхонада амалиётда қўлларкан, ўрганганларини унинг малакали мутахасссига айланишига хизмат қилмоқда.

— Бошида бунчалик имконият бўлади деб ҳеч ўйламагандим, — дейди Хуриш Қулмуродов. — Ўқиб билан бирга ишлаш анча яхши экан. Сабаби тажрибали мутахассслардан назарий билим олсак, корхонада ишлаб чиқариш жараёнида қатнашамиз ва ўрганганларимизни қўлайимиз. Ўз йўналишим бўйича ишлаётганимдан хурсандман.

Бугун хориж тажрибаси асосида техникумда дизайнер ва технологлар тайёрланмоқда. Ишлаб чиқариш корхоналаридаги малакали чет эллик мутахасссларни жалб қилган ҳолда гуруҳларда мунтазам дарслар ташкил этиб келинмоқда. Аҳамиятисли, бугун дуал таълимни ривожлантиришда чет эллик мутахасссларни жалб этиш ва улар томонидан маҳорат сабоқлари ўқилишига эътибор қаратилаётгани ёшларнинг соҳани тез ва пухта ўзлаштиришида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари, ўқув режага кўра, ёшларни ҳолис танлов асосида саралаб, йирик саноат (енгил саноат) корхоналарида тажриба ва кўникма орттириш, ишлаб

чиқариш корхоналари ҳамда технологик компаниялар имкониятини ўрганиш учун 1 ойдан 3 ойгача муддатга хорижий давлатларга юбориш белгиланган.

Анъанавий ўқитиш шаклида ўқувчи таълим муассасасида назарий билимларни кўпроқ эгалаб, амалиётни жуда оз соат корхона ва ташкилотларда ўтайдилар. Ривожланган мамлакатларнинг таълим тажрибасидаги ҳам ўқиб, ҳам ишлашни бир вақтда олиб бориш амалиёти бу ерда ҳам татбиқ этилаётгани ўқувчиларга замонавий технологиялар ва дастгоҳларда ишлашни назарий ва амалий жиҳатдан пухта ўрганиш имконини бермоқда.

Хусусан, мамлакатимиз енгил саноати ва тўқимачилиги йўналишида ташкил этилаётган йирик корхоналарни малакали кадрлар билан таъминлашда айнан мазкур йўналиш алоҳида аҳамият касб этиб келмоқда.

— Бугун пахта толасини қайта ишлаш учун янги технологиялар жорий этилмоқда, — дейди мазкур техникумнинг ходимлар бўлими бошлиғи Мафтуна Хидирова. — Албатта, бу замонавий ускуналарни ишлатиш учун доим хориждан мутахассс жалб этишнинг имкони йўқ. Шу боис, яратилган имкониятлардан тўлиқ қувватда фойдаланиш учун талабга жавоб берадиган маҳаллий мутахассслар билан таъминлаш лозим бўляпти. Дуал таълимни ташкил этишнинг асосий сабаби ҳам шу — ишлаб чиқаришда ўрнатилган технологик жараёнлардан тўлиқ фойдаланиш, замон талабига мос маҳсулот ишлаб чиқариш. Ушбу жараёни амалга ошириш учун мутахасссларимизни дуал таълим асосида тайёрламоқчимиз. Шу кунга қадар “LT Textile International” корхонасига

йиғирув технологияси бўйича 26 нафар мутахассс тайёрлаб, йўналтирилди.

Техникум раҳбариятининг маълумоти-га кўра, бу ерда Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) томонидан ҳам қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, тўртта ўқув хонаси тўлиқ жиҳозланиб, амалиёт ўташ имкониятини берувчи замонавий ишлаб чиқариш технологиялари билан таъминланди. Энди шу ернинг ўзида ўқувчилар таълим олиши билан бирга, ип-йиғирув цехларидаги йирик замонавий ускуналардан фойдаланишни ўрганиши мумкин.

Истиқболли дастурга кўра, “Ўзтўқимачилик саноати” уюшмаси томонидан халқаро ташкилотлар грантини жалб қилган ҳолда ўқувчиларни тўқимачилик саноати ривожланган Германия, Италия, Туркия, Хитой, Ҳиндистон ва Покистон каби давлатлардаги ишлаб чиқариш корхоналарига малака оширишга юбориш белгиланган.

Келгусида битирувчиларнинг касбий кўникмалари иш берувчилар ва ҳолис экспортлар томонидан баҳоланишини ташкил қилиш, шунингдек, ўқитиш якуни бўйича бериладиган таълим тўғрисидаги ҳужжатлар хорижий давлатларда ҳам тан олин-иш учун зарур чоралар қўрилади. Бундан ташқари, мазкур техникумин намунави битирган ёшлар тегишли йўналиш бўйича олий таълим муассасасига суҳбат асосида 3-курсдан ўқишга қабул қилиниши белгиланган. Бу эса ўқувчиларни ўз йўналишида пухта билим олишга ундайди.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

